

Бутун дунёда рибохўрликни йўлга қўйдилар



19:00 / 07.11.2023 1663

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

قُلُوبَهُمْ وَجَعَلْنَا لَعْنَهُمْ مِّثْقَلَهُمْ نَقَضِهِمْ فِيمَا

حَظًّا وَنَسُوا مَوَاضِعَهُ عَنِ الْكَلِمِ يُحَرِّفُونَ قَسِيَةً

مِّنْهُمْ قَلِيلًا إِلَّا مِنْهُمْ خَائِنَةٌ عَلَى تَطَّلِعُ نَزَالٌ وَلَا بِهِ ذُكْرُوا مِمَّا

أَلَمْحَسِنِينَ يُحِبُّ اللَّهُ إِنَّ وَأَصْفَحَ عَنْهُمْ فَأَعْفُ



«Аҳду паймонларини бузганлари учун уларни лаънатладик ва қалбларини қаттиқ қилдик. Улар калималарни ўз ўрнидан ўзгартирурлар. Ўзларига эслатилган нарсалардан кўп улушни унутдилар. Уларнинг озгиналаридан бошқаларини мудом хиёнат узра кўрасан. Бас, уларни афв эт ва ўтиб юбор. Албатта, Аллоҳ яхшилик қилувчиларни севадир» (Моида сураси, 13-оят).

Бану Исроил яхудийлигига борди. Ҳатто Аллоҳ таоло билан бўлган аҳдномани ҳам бузди. Уни бажо келтирмади. Намозни қоим қилмади. «Намоз» деб аталмиш улуғ ибодатни Аллоҳ айтганидек эмас, ўзлари хоҳлаганларидек бузиб адо этадиган бўлишди. Закот бериш у ёқда турсин, ҳамма иқтисодий алоқаларга ҳаром-харишни қўшдилар. Одамларнинг молини ботил йўл билан ейишни жорий қилдилар. Аллоҳнинг барча пайғамбарларига бирдай иймон келтиришмади, аксинча, уларнинг кўпчилигини ҳақорат қилдилар. Ифво ва бўҳтонлар ёғдирдилар. Ҳатто Закариё, Яҳё алайҳиссалом кабиларни ўлдиришгача бориб етдилар. Ийсо алайҳиссаломни ўлдирдик, деб даъво қилдилар. Охирги Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳам ўлдиришга ҳаракат қилдилар. Аллоҳга яхши қарз бериш тугул, бандага ҳам яхши қарз бермадилар. Бутун дунё бўйича қарз беришда рибохўрликни йўлга қўйдилар.

Мазкур бузғунчиликлари ва яна бошқа жиноятлари учун Аллоҳ таоло уларни лаънатлади – Ўз раҳматидан қувди. Аллоҳ таоло уларнинг қалбларини қаттиқ қилиб ҳам қўйди. Шу сабабдан озгиналаридан бошқа аксариларининг қалбларига ҳидоят нури ҳам кирмайди.

Аҳдномани бузишнинг баъзи кўринишлари ояти кариманинг ўзида ҳам зикр қилинган:

«Улар калималарни ўз ўрнидан ўзгартирурлар».

Калималарни – сўзларни ўзгартириш деганда Таврот назарда тутилмоқда. Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга Ўзининг самовий китоби бўлмиш

Тавротни нозил қилганда, Бану Исроилдан бу китобни муҳофаза қилиш, қандай нозил бўлган бўлса, шундай сақлаш ҳақида аҳднома олган эди. Аммо бундай бўлмади. Яҳудий тарихчиларнинг ўзлари айтишларича, асл Таврот йўқолганига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Яҳудийлардан бирор киши Тавротни ёдламагани ҳам ҳақиқатдир. Ҳозирги кунда яҳудийлар «Мусо алайҳиссаломдан қолган», деб олиб юрган беш китобдан иборат Талмуд эса Тавротнинг қандай ёзилганлиги, уни сақлаш ҳақида аҳднома олинганлиги каби ишларни ҳикоя қилади. Яҳудийларнинг ўзлари таъкидлашларича, Таврот бобилликлар яҳудийларни асир олган пайтларда йўқолган.

Бу ҳам етмагандек, улар калималарни ўз ўрнидан ўзгартирганлар. Яъни баъзи лафзларнинг ўзини, баъзиларининг маъноларини ўзгартирганлар. Яна бошқа бирларини эса асл маънодан бошқа маънога бурганлар. Улар яна:

«Ўзларига эслатилган нарсалардан кўп улушни унутдилар».

Яъни, Аллоҳ томонидан уларга келган Тавротдаги ва бошқа эслатмаларни қасддан эсларидан чиқардилар. Оятнинг давомида Аллоҳ Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб:

«Уларнинг озгиналаридан бошқаларини мудом хиёнат узра кўрасан»
, – дейди.

Аллоҳ ҳидоятга солиб, Исломни қабул қилган яҳудийларни эътиборга олмаганда, хиёнат уларнинг асосий сифатлари ҳисобланади. Улар румликларга ҳам, форсликларга ҳам хиёнат қилганлар. Доим яхшилик кўришларига қарамай, мусулмонларга қайта-қайта хиёнат қилганлар. Лекин шунга ҳам қарамай, Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарига:

«Бас, уларни афв эт ва ўтиб юбор», – демоқда ва орқасидан:

«Албатта, Аллоҳ яхшилик қилувчиларни севадир», – деб хушхабар бермоқда.

Бу ҳукм ушбу оят нозил бўлган вақтга хос ва муносиб ҳукм эди. Кейинчалик Аллоҳ таоло Пайғамбарига уларни Мадинаи Мунавварадан ва Арабистон ярим оролидан бутунлай ҳайдаб чиқаришни амр қилди.

«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди